



ривожлантириш муҳимдир. Ушбу мақсадларга эришишнинг энг яхши усули шаффоф, самарали ва рақобатдош глобал энергия бозорларини вужудга келтиришдир.

Ва ниҳоят, нефть саноати юқори рақобатбардош бўлиб, инвестиция лойиҳалари нафақат ресурслар, балки, уларни самарали ишлаб чиқариш учун имконият мавжуд бўлган мамлакатларда амалга оширилади. Шу боисдан, Яқин Шарқ мамлакатлари ушбу воқеликка мослашиши ва энергетика сиёсатини модернизация қилиши керак. Бундай шароитда улар доимий хом ашё истеъмолчиларига эга бўлиш билан бирга халқаро майдондаги мавқеларини мустаҳкамлайдилар. Минтақа давлатлари Яқин Шарқдаги энергетика хавфсизлиги ва энергетика муносабатларининг янги конструктив тизимини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари даркор.



АРАБ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

ИКРОМОВ ШАВКАТ

Таянч докторант, Ўз Р ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

Аннотация. Мазкур мақоланинг мақсади, араб давлатларида фаолият юритаётган тадқиқот марказлари, уларнинг давлат ҳаётига оид стратегик концепцияларни ишлаб чиқишдаги иштироки даражасини таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқот марказларининг давлат сиёсий иборалари билан ҳамкорлигини ўрганиш араб давлатларида илм-фан тараққиёти ва демократик қадриятлар ҳамда сиёсий плюрализмнинг ривожланиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Услубий жиҳатдан араб тадқиқот марказлари фаолиятини баҳолашда иккита мезон танлаб олинди: биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестициялари, иккинчи, унинг демократик индекслари. Ҳар икки мезон бўйича араб давлатларининг халқаро кўрсаткичлари нуфузли рейтинг агентликлари ҳамда тадқиқот марказларининг ҳисоботлари асосида шакллантирилди.

Тадқиқот марказлари фаолиятини таҳлил қилиш учун биринчи, уларнинг ривожланиш босқичлари, иккинчи, марказлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар, учинчи, ички сиёсат, иқтисодиёт, халқаро ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ стратегик қарорлар қабул қилишда марказларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилди. Тадқиқот натижасида шу аниқ бўлдики, минтақадаги ҳозирги кескинлик ҳамда инқирозларнинг ортиб бораётганлиги марказлар фаолияти самарадорлигини юқори баҳолаш имкониятини бермайди.

Таянч сўз ва иборалар: тадқиқот марказлари, араб давлатлари, ижтимоий сиёсий жараёнлар, стратегик дастурлар.

Аннотация. Цель данной статьи изучить исследовательские центры, работающие в арабских странах, проанализировать степень их участия в разработке стратегических концепций общественной жизни. Изучение сотрудничества исследовательских центров с государственными политическими властями поможет определить уровень развития науки и демократических ценностей в арабском мире и уровень политического плюрализма.

Для методологической оценки арабских исследовательских центров были выбраны два критерия: во-первых, государственные инвестиции в науку и, во-вторых, его демократические показа-

тели. В обоих критериях арабские международные рейтинги основаны на отчетах авторитетных рейтинговых агентств и исследовательских центров.

Первый этап развития исследовательских центров, второй факторы, влияющие на деятельность центров, третий роль и значение центров в принятии стратегических решений относительно внутренней политики, экономики, международного сотрудничества и региональной безопасности. Исследование показало, что нынешняя напряженность в регионе и усиливающиеся кризисы не позволяют переоценить эффективность центров.

Опорные слова и выражения: исследовательские центры, арабские государства, общественно-политические процессы, стратегические программы.

Abstract. The purpose of this article is to study the research centers operating in the Arab states and analyze the extent of their involvement in the development of strategic concepts in public life. The study of cooperation between research centers and political offices of the state gives an opportunity to clarify the development degree of science and democratic traditions, and political pluralism in Arab states.

Methodically, two criteria were chosen for evaluating the activities of Arab research centers: first, the state's investment in science, and second, their democratic indexes. In both criteria, the Arabian international rankings are based on reports from competent rating agencies and research centers.

In order to analyze the activities of research centers, firstly, their development stages, secondly, factors that affected the activities of the centers, and thirdly, the role and importance of the centers in strategic decision-making related to domestic policy, economy, international cooperation and regional security were investigated. The study revealed that the current tensions and increasing crises in the region do not allow the centers to overestimate their effectiveness.

Keywords and expressions: research centers, Arab states, socio-political processes, strategic programs.

Мавзунинг долзарблиги. Бизнинг давримизда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари ҳамда халқаро муносабатларнинг мураккаб йўналишлари тизимли муаммоларни вужудга келтирмоқда. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичи кескин рақобат муҳи-тида бўлиб, бу шароитда қарор қабул қилиш мураккаблашади. Профессional ёндашилма-ган, илмий нуқтаи назардан асосланмаган, бир шахс ёки маълум бир сиёсий гуруҳ тафаккур маҳсули бўлган қарорлар тараққиётни орқага суриб, давлатлараро зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Рационал қарорлар қабул қилиш ва провардида тараққиёт стратегияларини тўғри белгилаш кучли интеллектларни ўзида жамлаган илмий лабораторияларга, яъни тадқиқот марказларига нисбатан эҳтиёжни вужудга келтиради. Тадқиқот марказларининг самарали фаолияти натижасида давлат тараққиётининг иқтисодиёт, сиёсат, мудофаа, хавфсизлик каби стратегик йўналишларини ривожлантириш мумкин. Ҳозирги кунда дунё бўйича 8000 дан ортиқроқ тадқиқот марказлари бўлиб, уларнинг салмоқли қисми ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Тадқиқот марказлари фаол ишлаётган ҳудудларда, муаммоларга тизимли ёндашилиб, уларнинг олди олинади.

Араб давлатларидаги сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизликка оид қарорларнинг қабул қили-нишида тадқиқот марказлари таъсирини аниқлаш ҳамда бу борадаги муаммоларни таҳлил қилиш ишнинг мақсади ҳисобланади. Мақолада аввал тадқиқот марказлари тушунчаси ва унинг давлат стратегик концепцияларини ишлаб чиқишдаги аҳамиятини тушунтириш, бу орқали эса уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги ўрнини баҳолаш, шунингдек, араб давлат-ларидаги тадқиқот марказларининг шаклланиш босқичларини ўрганиш, уларнинг ривожла-нишига таъсир кўрсатувчи омилларни гуруҳлаш каби вазифалар белгиланган.

Тадқиқот объекти – араб давлатларида фаолият юритаётган тадқиқот марказлари. Тад-қиқот предмети – мазкур марказларнинг фаолият йўналишлари ва уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги аҳамияти.

Тадқиқотнинг методологик тавсифи. Араб тадқиқот марказлари фаолиятини баҳолашда иккита мезон танлаб олинди: биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестициялари, иккинчи, унинг демократик индекслари. Ҳар икки мезон бўйича араб давлатларининг халқаро кўрсаткичлари нуфузли рейтинг агентликлари ва тадқиқот марказларининг ҳисоботлари асосида шакллантирилди. Араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг умумий хусусияти етакчи тадқиқот марказлари мисолида ўрганилди. Улар фаолитига оид маълумотлар аввал умумлаштирилиб гуруҳлаштирилди, тўпланган маълумотлар фанлараро ёндашув методлари асосида таҳлил қилинди, шунингдек, маълумотлар ва хулосаларни янада равшанлаштириш учун қиёсий таҳлил методлари қўлланилди. Ўрганилаётган ҳар бир тадқиқот марказининг веб-саҳифаси ва уларнинг нашр ишлари: монографиялар, илмий журналлар, халқаро конференция ва семинарларнинг натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқот якунида марказлар фаолияти бўйича айрим хулосаларга келинди.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Тадқиқот маказлари фаолиятини ўрганишда маълумотлар баъзасининг бой эканлигини кўриш мумкин. Араб тадқиқотчилари сўнгги ўн йиллик давр чагарасида мавзуга оид юзга яқин илмий мақолалар ва ўнлаб монографиялар яратган. Хусусан, Хусайн Шаҳоуний¹, Ҳалид Маҳмуд², Ҳалид Ардавий,³ Маҳмуд ас-Сеқалий⁴ кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Уларнинг тадқиқотларида асосий эътибор араб таҳлилий марказларининг фаолият методологияси, марказларнинг давлат сиёсий ҳаётида иштирок этиш даражаси ва бу йўлдаги муаммолари таҳлил қилинган. Жумладан, профессор Ҳ. Ҳ. Шаҳоуний ўз тадқиқотларида араб тадқиқот марказларини ривожланган давлатларнинг тадқиқот марказлари билан қиёслаган, араб тадқиқот марказларининг муаммоларини аниқлаган. М. Сеқалий эса араб давлатлари сиёсий доираларининг қарор қабул қилиш жараёнида тадқиқот марказларининг иштироки даражасига танқидий ёндашади.

Ғарб тадқиқотчиларидан James G. McGann⁵ ва He Li⁶ кабиларнинг тадқиқотлари билан танишиш натижасида тадқиқот марказларининг умумий хусусиятлари ва дунё минтақаларида уларнинг фаоллик даражаси ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Таҳлилий марказлар тушунчаси. Тадқиқот марказлари – бу таҳлилий тадқиқотлар олиб борадиган, комплекс тадқиқотлар натижасида давлат сиёсий ҳаёти, муҳофаа тизими, миллий ва минтақавий хавфсизлик, шунингдек, иқтисодиёт ва жамият ривожининг бошқа турли соҳалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш орқали давлат органларининг муҳим қарорлар қабул қилишига кўмаклашадиган институтлардир. Пенсильвания университети-нинг анъанавий равишда тайёрлаб келадиган дунёдаги барча тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг фаолиятига оид ҳисоботига кўра, 2019 йил дунёда жами 8,248 тадқиқот ва таҳлилий марказлар фаолият олиб борди. Уларнинг аксари ўз давлатларининг стратегик

¹ 2011.07.08 \\\ Һашм Һасн Һасин Һашуани, مراکز www.elections.akhbarak.net Һашم حسن حسين الشهواني. أهمية مراكز الأبحاث \\\
2: الأبحاث العربية وسبل تطويرها باتجاه الاسهام في صناعة القرار السياسي, مركز الدراسات الإقليمية, عبر الرابط

<http://www.regionalstudiescente.net/site/journals/regional/rs.r>

² خالد وليد محمود. دور مراكز الأبحاث في الوطن العربي: الواقع الراهن وشروط الانتقال إلى فاعلية أكبر. المركز العربي للأبحاث ودراسة السياسات. 2013 م.

³ خالد عليوي العرداوي. التحديات الشيعية والحاجة إلى مراكز الأبحاث والدراسات في مطلع اللفية

الثالثة \\\ جامعة كربلاء. 2016 م.

⁴ محمود محمد السيقلي. دور مراكز الفكر والبحث في صنع القرار: واقع مراكز الفكر العربية. 2019 م.

⁵ James G. McGann, 2017 Global Go to Think Tanks Index Report, The Think Tanks and Civil Societies Program, International Relations Program, University of Pennsylvania, 30/1/2018.

⁶ He Li. The Role of Think Tanks in Chinese Foreign Policy. Problems of Post-Communism, Vol. 49, n. 2 (Mar/Apr 2002).




концепцияларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган¹. АҚШнинг Brookings Institution, RAND Corporation, Center for Strategic and International Studies (CSIS), Англиянинг Chatham House каби таҳлилий ва тадқиқот марказлари сиёсатчилари, сиёсий тадқиқотлар билан шуғулланувчилар ва умуман, зиёлилар орасида маълум ва машхурдир.

Бу турдаги марказлар сиёсий элита ҳамда сиёсий тафаккур эгалари орасида боғланишни, сиёсатчилар, иқтисодчилар ҳамда илмий академик доиралар ўртасидаги интеграцияни вужудга келтириши билан муҳим аҳамиятга эга².

Профессор Халид Улайвининг фикрига кўра, маълум мақсадларда ташкил қилинган фондлар (Foundations), илмий институтлар, (Institutes), илмий марказлар (Centers), таҳлилий марказлар (Think Tanks) ёки (Brain boxes), жамғарма (Funds) ёки (Endowments) кабиларнинг барчасини тадқиқот марказлари деб номлаш мумкин³.

Тадқиқот марказлари уларнинг ташкил қилинишига кўра учта гуруҳга бўлинади, яъни 1) ҳукумат ёки ҳукуматнинг ярим шериклигида; 2) илмий муассасалар таркибида; 3) хусусий⁴.

Биринчи кўриниш:



Тадқиқот марказлари фаолиятининг натижасида яратилган таҳлиллар ва ҳисоботлар ўзининг эксперт баҳолаш, таҳлилий билим, жараёнларга нисбатан профессионал қараш, муаммоларни чуқур илмий таҳлил қилиши билан ажралиб туради. Одатда, таҳлилий марказларда кучли интеллектуаллардан иборат ресурс мужассамлаштирилади. Улар сиёсат ва сиёсий билимларни бирлаштирган ҳолда жараёнларга таъсир эта олиш, стратегик

¹ Mc Gann, James G. 2018 Global Go To Think Tank Index Report (2019). TTCSP Global Go To Think Tank Index Reports. 16. https://repository.upenn.edu/think_tanks/16

² دور المراكز الأبحاث والدراسات في صنع القرار السياسي: إيران نموذجاً، إصدارات مركز الروابط للبحوث والدراسات الاستراتيجية، بتاريخ 4 2015، <http://rawabetcenter.com>؛ أيلول/سبتمبر 2015، يمكن الاطلاع عليه على الموقع الإلكتروني

³ <https://m.annabaa.org/arabic/studies/16799>؛ خالد عليوي العرداوي. مراكز الأبحاث في العراق.

⁴ محمد عبد الراض محمود. دور المراكز البحثية في تنمية العلاقات المصرية السودانية. مركز دراسات حوض النيل نموذجاً. مدرس الأنثروبولوجيا الثقافية بمعهد البحوث والدراسات الإفريقية جامعة القاهرة. 2017 م.

муаммоларни ҳал қилиш ҳамда уларни бошқариб боришга қаратилган материалларни шакллантиради. Марказлар ўзлари олиб бораётган тадқиқотларни жамият манфаатларини ифодалаш ва жамият муаммоларини ҳал қилиш ҳамда давлат сиёсатини ривожлантиришга йўналтиради. Шунингдек, бу турдаги институтлар ўз фаолияти натижаларини кўрсатиш, фикр алмашиш учун нашр ишларини йўлга қўйиш, конференция ва семинарлар ташкил қилишдан иборат бўлган фаолият турлари билан ҳам шуғулланади¹.

Тадқиқот марказларининг мустақил ва эркин шароитда самарали фаолиятлари нотўғри қарорлар қабул қилиниш хавфини камайтиради².

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрдан бошлаб фаоллик билан ривожланган бу турдаги марказлар, бугунги кунга келиб ривожланган давлатларда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларга доир стратегик қарорлар қабул қилишда асосий таянч вазифасини бажармоқда. Шунингдек, халқаро жараёнларга таъсир кўрсатувчи актор даражасида қабул қилинмоқда.

Араб давлатлари тадқиқот марказларининг ривожланиш хусусиятлари. Яқин Шарқ минтақасида тадқиқот марказларининг фаолияти ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошланади. Айтиш мумкинки, ўтган ярим асрга яқин давр, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудида таҳлилий марказларнинг жадал ривожланиш даври бўлди.

2019 йил эълон қилинган, дунё тадқиқот марказлари фаолиятига оид ҳисоботга кўра, минтақада 507 тадқиқот марказлари фаолият олиб боради, бу бутун дунёдаги тадқиқот марказларининг 6,1 фоизидир³. Уларнинг сонига кўра минтақада Эрон, Исроил, Туркия, Миср, Ироқ ва Ливан давлатлари етакчилик қилади. Халқаро эътироф этилиш кўрсаткичи ва таъсир даражасига кўра эса Миср, Туркия, Исроил ва Қатардаги тадқиқот марказлари етакчи ҳисобланади⁴.

Тадқиқот марказларининг тараққиёти асосан иккита омилга боғланади, биринчи, давлатнинг илм-фан тараққиётига сарфлаётган инвестицияларига иккинчи, унинг демократик индексларига. Бу икки омилнинг ижобий ҳолати тадқиқот марказлари фаолиятининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур икки омил бўйича араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг умумий хусусияти ва кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаркат қиламиз.

Биринчи омил: статистик маълумотларга кўра, араб давлатлари ўз миллий даромадларининг ўртача 0,8 фоизини илм-фан тараққиёти йўлида сарфлайди, солиштириш учун Исроил 3,93 фоиз миллий даромадларини фан тарққиётига сарфлайди. Америка Қўшма Штатларида ҳаммаси бўлиб 397 тадқиқот марказлари бўлса, 22 араб давлатидаги барча тадқиқот марказларининг умумий сони бу рақамлардан анча ортда қолади. Эрондаги тадқиқот марказларининг сони кўрфаз давлатлари иттифоқидаги бешта давлатнинг тадқиқот марказлари сонидан кўпроқ. Дунё тадқиқот марказларининг 2019 йил учун ишлаб чиқилган рейтингда Яқин Шарқ минтақаси бўйича жами 507 тадқиқот маркази рўйхатга олинган бўлса, улардан 258 таси араб давлатларига тўғри келади, минтақада биринчи ўринда Туркия (59 та), иккинчи ўринда Исроил (58 та) ва катта фарқ билан Миср (35 та) учинчи ўринда туради⁵.

Фурс кўрфази араб давлатлари катта молиявий манбаларга эга бўлишига қармасдан, бу турдаги марказларнинг ривожланишини қўллаб-қувватламайди. Солиштириш учун Африка-

¹ Mc Gann, James G., "2018 Global Go To Think Tank Index Report" (2019). TTCSP Global Go To Think Tank Index Reports. 16. https://repository.upenn.edu/think_tanks/16

² هاشم حسن حسين الشهواني، أهمية مراكز الأبحاث، مقال منشور على الشبكة الدولية للمعلومات (الانترنت) على الموقع الإلكتروني:

³ 1-30-2018 2017 Global Go To Think Tank Index Report. – P. 35.

⁴ <https://www.ecssr.ae/wp-content/uploads/2019/05/ER-2018-Ar-Rev.31.pdf> تقييم مراكز الدراسات والبحوث العربية والدولية

⁵ ما هي أفضل مراكز الدراسات والأبحاث في الشرق الأوسط؟ <https://raseef22.com/article/90371>

даги Сомали давлатида (11 та) Саудия Арабистонидаги тадқиқот марказларидан (10 та) кўра кўпроқ марказлар бор. Иқтисодий имкониятлари Жазоир (11 та) ва Ливияга (11 та) нисбатан юқори бўлмаган Тунисда 18 та тадқиқот маркази фаолият олиб боради. Рақамлар шуни кўрсатадики, тадқиқот марказларининг фаолиятида давлатнинг илм-фан учун сарфлаётган маблағлари катта аҳамиятга эга.

Иккинчи омил: баъзи араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг молиявий имкониятлари катта бўлса-да, Европа ва Американинг шу турдаги марказларга нисбатан секин ривожланаётганлигини кузатиш мумкин.

Уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллардан яна бири давлатлардаги демократик кўрсаткичлар билан боғлиқ вазиятдир. Биз араб тадқиқот марказларини давлат сиёсий ҳаётидаги ўрнини баҳолашга ҳаракат қилар эканмиз, эътиборга олинishi керак бўлган асосий жиҳат бор, яъни тадқиқот марказлари демократиянинг Ғарбда эътироф этилган талабларига мос сиёсий тизимлардагина тўғри ишлаши мумкин. Араб давлатларидаги демократик индексларнинг “ўзига хос” эканлиги ҳисобга олинса, бу ердаги тадқиқот марказларининг фаолиятидаги муаммолар равшанлашади.

The Economist Intelligence Unit наشري томонидан 2019 йил учун дунё давлатларининг демократик кўрсаткичлари рейтинги (*The Democracy Index*) эълон қилинган. Араб давлатлари орасидан фақат Тунис (53) ва Марокаш (96) нисбатан юқори кўрсаткичларга эга, қолган араб давлатлари рейтингда юқори ўринларга эга эмас, хусусан, Миср (136) ва Саудия Арабистони (158) ўринлар билан 166 давлатнинг орасида жуда паст баллга эга бўлган¹.

Демократик кўрсаткичларнинг ўрта ва паст даражада эканлиги яна бир қатор шарт-шароитларни вужудга келтирганки, улар ҳам араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Профессор Жавад ал-Ҳамд уларни умумлаштирган ҳолда уч гуруҳга бўлади:

- Араб тадқиқот марказлари давлат томонидан молиялаштирилади ва ўз ўрнида марказлар буюртмачисининг буюртмаларини бажаришда давом этади.

- Муайян мафкура ёки сиёсатни илгари суриш марказларнинг фаолиятига тўсиқ бўлади.

- Тадқиқот марказларининг режалари ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган стратегик қарашларга асосланмаганлиги.

Хусусан, Саудия Арабистонидаги 10 та, Бирлашган Араб Амирликларидаги 11 та, Қатардаги 11 та ва Мисрдаги 39 та тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг ҳаммаси ҳукумат ёки ҳукмрон сулолалар томонидан молиялаштирилади². Саудиянинг стратегик ва халқаро тадқиқотлар, Амирликнинг стратегик тадқиқотлар ёки Кўрфаз тадқиқотлар маркази (БАА) кабиларнинг барчаси ҳукмрон оилалар томонидан ташкил қилинган. Улар ўз фаолиятларини минтақавий ёки халқаро миқёсда Саудия ҳамда Амирликлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирган. Хусусан, Саудиянинг стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази панарабизм ва панисломизм ғояларинигина эмас, балки Саудиянинг глобал миқёсдаги фаолиятига доир тадқиқотларни олиб бориш буюртмасини олган³. Қирол Фейсал номидаги ислом тадқиқотлар марказининг Осиё ва Африка тадқиқотлари бўлимларида асосан Саудиянинг бу минтақалардаги сиёсий қизиқишлари доирасидаги тадқиқотлар ташкил қилинади.

¹ <https://www.eiu.com/topic/democracy-index\\ Democracy Index 2019>.

² محمود محمد السيفلي. دور مراكز الفكر والبحث في صنع القرار: واقع مراكز الفكر العربي. 2019 م.

³ <http://www.alriyadh.com/25006> حمد بن عبدالله اللحيدان. المركز السعودي للدراسات الاستراتيجية والدولية

Араб тадқиқот марказларининг шаклланиш босқичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Минтақадаги тадқиқот марказларининг шаклланиш эволюциясида, уларнинг сон ва сифат кўрсаткичларига таъсир қилган бир қатор омилларни учратиш мумкин. Агар ўтган асрнинг 70-йилларига қадар араб-исроил келишмовчилигига оид муаммоларни таҳлил қилиш тадқиқот марказларининг бош мақсади бўлган бўлса, XX асрнинг 70-йилларидан кейин панарабистик ғояларнинг тарғиботи уларнинг асосий йўналиши бўлди.

XX асрнинг 90-йилларида Ироқнинг Кувайтга агрессияси ва Жазоирдаги фуқаролар уруши минтақа давлатларида ривожланиш ва хавфсизликка доир алоҳида миллий стратегиялар ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирди. Бу ўз ўрнида тадқиқот марказлари фаолиятини миллий стратегия концепциялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига йўналтирди.

2001 йил 11/09 воқеалари тадқиқот марказлари сонининг кескин ошишига олиб келди¹. Шу билан бирга, тадқиқот йўналишларида минтақавий хавфсизлик, терроризм ҳамда радикал ислом гуруҳларига қарши кураш масаласига урғу берилди. 2011 йил араб баҳори инқилобий чиқишлари эса миллий хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, радикал-лашган ислом гуруҳларига қарши кураш каби масалаларни долзарблаштирди. 2011 йилдан кейин Ироқ, Сурия, Ливия ва Ямандаги инқирозлар ҳам тадқиқот марказларининг тадқиқот режаларининг ўзгаришига олиб келган ва асосий эътибор мазкур инқирозларнинг хавфини ўрганишга қаратилган.

Шунингдек, XX асрнинг сўнгига келиб араб давлатлари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларида бошланган трансформация, демократлаштириш ва либерализм жараёнлари, шунингдек, минтақа давлатларининг халқаро ҳамжамият учун кенг очилиши каби ҳолатлар тадқиқот марказлари фаолиятининг долзарблиги ва тадқиқот йўналишларини шакллантиришда муҳим босқич бўлди.

Биринчи авлод араб тадқиқот марказларидаги асосий масала араб бирлиги ғоясини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш ҳамда буни амалга оширишга қаратилган тадқиқотлардан иборат бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб бу тенденция ўзгарган. Бугунги таҳлилий марказлар асосан миллий, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, миллий хавфсизлик, армия ва мудофаа, ислом ва дунё динлари, сиёсий ислом, ижтимоий-маданий, инновацион ривожланиш, фан ва технологиялар, энергетика, энергетик хавфсизлик, экология ҳамда маданий ривожланишга доир 50 дан ортиқ йўналишларда тадқиқотлар олиб боради.

2019 йил “Амирлик сиёсий тадқиқотлар” маркази томонидан араб давлатларида фаолият олиб бораётган тадқиқот марказлари фаолияти бир қанча параметрларга кўра баҳоланган ва уларнинг фаолият рейтинги тузилган².

Иккинчи кўриниш:

Тадқиқот йўналишлари	Давлат номи	Ўзбекча номланиши	Тадқиқот марказ номи ва веб саҳифаси
Ички сиёсат, иқтисод, мудофаа ва хавфсизлик, ташқи сиёсат жами 12 та йўналиш	Миср Араб Республикаси	Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази	مركز الأهرام للدراسات السياسية والاستراتيجية www.acpss.ahram.org.eg

¹ ليلي الرطيمات. دور مراكز البحث في إنتاج الدراسات وتطوير المعرفة: نموذج مراكز البحث بالمغرب <https://caus.org.lb/ar>

² أبوظبي، الإمارات العربية المتحدة 2019 م. \\تقييم مراكز الدراسات والبحوث العربية والدولية 2018 - 2019

Давлат бошқаруви, дипломатия, Осиё ва Европа тадқиқотлари жами 10 та йўналиш	Бирлашган Араб Амирликлари	Муҳаммад бин Рашид Давлат бошқарув мактаби	كلية محمد بن راشد للإدارة الحكومية www.mbrsg.ae
Ислом тадқиқотлари, Осиё ва Африка давлатлари тадқиқотлари, маданий мерос жами 6 та йўналиш	Саудия Арабистони Подшолиги	Қирол Файсал Ислом тадқиқотлари маркази	مركز الملك فيصل للبحوث والدراسات الإسلامية www.kfcris.com/ar
Ички ва ташқи сиёсат, иқтисод, энергетика жами 5 та йўналиш	Баҳрайн давлати	Баҳрайн стратегик, халқаро ва энергетика тадқиқотлар маркази	مركز البحرين للدراسات الاستراتيجية والدولية والطاقة www.derasat.org.bh
Араб давлатларининг иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизликка оид умумий масалалар, жами 10 га яқин	Иордания Ҳошимийлар қироллиги	Араб тафаккур Форуми	منتدى الفكر العربي www.atf.org.jo
Араб давлатларининг иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизликка оид умумий масалалари, жами 5 га яқин йўналишлар	Бирлашган Араб Амирликлари	Араб Стратегик Форуми	المنتدى الاستراتيجي العربي arabstrategyforum.org/ar
Ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик, жами 7 та йўналиш	Иордания Ҳошимийлар Қироллиги	Стратегик тадқиқотлар маркази	مركز الدراسات الاستراتيجية
Эрон ва минтақавий хавфсизлик масалалари	Саудия Арабистони Подшолиги	Эронни тадқиқ қилиш халқаро институти	المعهد الدولي للدراسات الإيرانية http://jcss.org/
Умумий интеграция жараёнлари, ўзаро ҳамкорликка оид жами 10 га яқин йўналиш	Ливия Республикаси	Араб бирлиги тадқиқотлари маркази	مركز دراسات الوحدة العربية https://caus.org.lb/ar
Араб кўрфазидаги ҳамкорлик масалаларига оид 10 га яқин йўналиш	Кувайт давлати	Кўрфаз Арабистон яримороли тадқиқотлар маркази	مركز دراسات الخليج والجزيرة العربية http://cgaps.ku.edu.kw/

Араб тадқиқот марказларининг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки. Тадқиқот марказларининг энг муҳим вазифаларидан бири сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида тавсиялар билан иштирок этишдир. Қарор қабул қилиш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган камида учта элемент мавжуд: қарор қабул қилувчининг шахсий сифатлари ва маҳорати, тажрибаси ҳамда билими. Қарор қабул қилувчининг шахсий сифатлари, маҳорати ва тажрибаси ҳамма замонларда ҳам муҳим бўлган, бироқ тажрибадан маълумки, инсоннинг шахсий сифатлари ҳар доим ҳам муваффақиятли натижага олиб келмаслиги мумкин. Яъни, бир шахс, агар у катта тажриба ва қобилият эгаси бўлса ҳам, ҳамма билимларга эга бўлиши мумкин эмас. Маълумки, давлат идораларининг таркибида қарор қабул қилиш учун ахборотларни жамлаб, уларни таҳлил қилувчи бўлимлар мавжуд бўлади. Бироқ бу бўлимлар бюрократик мезонлар асосида фаолиятларини ташкил қилганлиги ва кўп ҳолларда эркин фаолият олиб бора олмаслиги ҳисобга олинса, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги самарадорлигини юқори баҳолаб бўлмайди. Шу сабабли бугунги кунда ривожланган давлатларнинг бошқарув идоралари муаммоларни ўрганиш, ташхислаш ва улар билан шуғулланиш учун тадқиқот марказларига мурожаат қилмоқда. Хусусан, араб давлатлари ҳам.

Сўнгги йилларда араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг сиёсий жараёнларда иштирокига оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда қўйилаётган биринчи савол қуйидагича: “сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун бу тадқиқот марказларининг ҳукукий мақоми ва демократик эркинликлари қанчалар таъминланган?” Жумладан, профессор Халед Ардави Ироқдаги тадқиқот марказларининг сиёсий-ҳукукий мақоми ва уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини баҳолаб экан, тадқиқот марказлари ва давлат ўртасида ҳамкорлик кўзга ташланишини, бироқ, марказларнинг ҳукукий ва ташкилий жиҳатдан муаммолар кўп эканлигини ёзади¹.

Тадқиқотчи Лейла Артематти Марокашдаги тадқиқот марказларининг сиёсий жараёнларда иштирокини таҳлил қилиб, мамлакатда демократик эркинликлар таъминланиш кўрсаткичи яхши бўлса-да, молиявий таъминот билан боғлиқ муаммолар тадқиқот марказларининг эркин бўлишига имкон бермайди деган хулосага келади². Профессор Хаба Жамалиддин эса “Мисрда таҳлилий марказлар ва сиёсий доиралар муносабатларини ривожлантириш” номли мақоласида сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида ҳукумат идоралари ва тадқиқот марказларининг ҳамкорлик олиб бориш методологиясини таҳлил қилади. Унинг хулосасига кўра, Мисрда томонлар ўртасидаги муносабатлар талаб даражасида эмас, шу боис ҳукумат ва марказлар ўртасидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш лозим³.

Қуйида араб давлатларидаги етакчи тадқиқот марказлари мисолида уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги иштироки кўриб чиқилади.

– *Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази.* Бу марказ Пенсилвания университети дунё тадқиқот марказларининг 2017 йил учун ишлаб чиққан рейтингда минтақада биринчи ва дунёда 18 ўринда эътироф этилган⁴.

У араб дунёсидаги биринчи тадқиқот маркази бўлиб, 1968 йил Мисрда журналист Муҳаммад Ҳасан Ҳайкал томонидан асос солинган. Тадқиқот маркази минтақадаги араб-исроил келишмовчилиги келтириб чиқараётган муаммоларни ўрганиш мақсадида ташкил

¹ <https://m.annabaa.org/arabic/studies/16799> الد عليوي العرداوي. مراكز الأبحاث في العراق: تنظيمها القانوني ودورها السياسي

² <https://caus.org.lb/ar/> ليلي الرطيمات. دور مراكز البحث في إنتاج الدراسات وتطوير المعرفة: نموذج مراكز البحث بالمغرب

³ <https://democraticac.de/?p=60606> د. هبة جمال الدين. إعادة بناء العلاقة بين مراكز الفكر ودوائر صنع السياسات في مصر

⁴ <https://raseef22.com/article/90371> ما هي أفضل مراكز الدراسات والأبحاث في الشرق الأوسط؟

қилинган. Марказ ўтган йиллар мобайнида фаолият йўналишларини кенгайтириб борди ва бугунги кунга келиб Мисрнинг сиёсий ва стратегик масалаларини комплекс ўрганишга ихтисослашган марказга айланди. Шунингдек, у халқаро жараёнлар, араб давлатларининг ўзаро муносабатлари ва уларни ўраб турган глобал тизимнинг хусусиятлари каби масалаларда ҳам изланишлар олиб боради¹.

Тадқиқот маркази зиммасига Мисрнинг стратегик мақсадлари, араб давлатларининг ривожланиш муаммолари ва халқаро жараёнлар, тўғрисида кенг жамоатчиликка, илмий таҳлил қилинган ахборотни етказиб бериш, Миср сиёсий доираларининг қарорлар қабул қилиш жараёнини оқилона ташкил қилишга кўмаклашиш каби вазифалар юклатилган.

Таҳлилий марказ ўз фаолиятининг натижаси сифатида Мисрнинг умуммиллий мақсадлари ва бу йўлдаги имкониятларини комплекс ўрганган ҳолда миллий стратегия концепцияларини ишлаб чиқади ва ҳукуматга тақдим қилади. Бу стратегик дастурларда Мисрнинг миллий манфаатларига таъсир қилувчи барча омилар, хусусан, миллий хавфсизлик, ички ва ташқи сиёсат, иқтисод, ижтимоий ва диний маърифий жараёнлар, шунингдек, Миср халқининг тарихий тажрибаси ҳисобга олинади. Бу концепциялар тавсия хусусиятида бўлиб, унинг амалиётга жорий қилиниш имкониятлари давлатнинг сиёсий иродасига боғлиқ. Хусусан, узоқ йиллар давомида марказда ислом ва сиёсат, радикал ислом гуруҳларининг фаолияти ва унинг миллий барқорорликка таъсири, “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг ғоявий ва дастурий асослари таҳлил қилиб келинган. Сўнгги йилларда эса, марказ ёшлар масаласи, ахборот хавфсизлиги каби муаммоларга ҳам эътибор қаратмоқда. Шунингдек, Яқин Шарқ минтақасидаги кескинлик шароитида муҳофаага оид тадқиқотлар олиб борилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Марказда муаммоларга ихтисослаштирилган бўлимлар фаолият олиб боради. Хусусан, арабшунослик, сиёсий тизимлар таҳлили, халқаро алоқалар, иқтисодий тадқиқотлар, ижтимоий тадқиқотлар, матбуотшунослик, тарихшунослик, ҳарбий тадқиқотлар, исроилшунослик, Форс кўрфазига оид дастурларни бажариш ва ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиш каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган².

Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази қўйидаги даврий нашрларни чоп этади: Араб давлатларига оид йиллик статистик Ҳисобот, Иқтисодий тенденциялар тўғрисида йиллик ҳисобот, Исломий ҳаракатлар йиллик Каталоги, “Миср ҳаёти” чораклик журнал, ҳар ойда нашр қилинадиган араб ва инглиз тилларидаги статистик Рисолалар, Ал-Аҳрам стратегик ойлик журнали, Исроил ва Эронга оид алоҳида ойлик журналлар.

Сўнгги йилларда марказнинг етакчилик мавқеи пасайиб бораётганлиги кузатилади, бунини марказ мутахассислари бир қанча омилар билан изоҳлайди, жумладан, сўнгги йилларда минтақадаги сиёсий элита ва етакчи сиёсий кучлар билан марказ раҳбарияти орасидаги ҳамкорлик сусайган, марказнинг ичида ҳам интеллектуал ва сиёсий плюрализм пасайган. Сўнгги йилларда марказ кучли рақобат муҳитига тушиб қолган, Мисрнинг ўзида ва қолаверса, бутун минтақада кучли техник ҳамда молиявий таъминотга эга бўлган янги марказлар ўз фаолиятини бошлаганки, бу эса, ўз ўрнида Ал-Аҳрам марказининг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда³.

¹ <http://acpss.ahram.org.eg/eng/ahram/2004/7/5/Abot0.HTM>

² <https://www.iicss.iq/?id=436>

³ <https://www.aljazeera.net/news/reportsandinterviews/2008/1/30/مركز الأهرام للدراسات بين أهم 30 مركزا في العالم>



Хулоса қилиб айтганда, Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази араб давлатларидаги тадқиқот марказлари орасидан биринчилардан бўлиб халқаро даражада эътироф этилган ва у бу мавқеини ҳамон сақлаб келмоқда. У Мисрнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётида ўзига хос аҳамият касб этади.

– *Қирол Фейсал номидаги исломий тадқиқотлар маркази.* 1983 йилда марҳум қирол Фейсал ибн Абдул-Азиз ал-Сауднинг оила аъзолари томонидан ташкил қилинган. Тадқиқот марказининг мақсади маҳаллий ва глобал миқёсдаги илмий изланишлар ҳамда маданий меросни сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Марказ исломшунослик, сиёсат, социология ва маданий мерос билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ташкил қилишга кўмаклашади.

Марказ қирол Фейсал номини абадийлаштириш, унинг инсон тараққиёти йўлидаги ҳаракатларини давом эттириш, гуманитар йўналишдаги тадқиқотларни ҳамда исломий меросни сақлаш ишларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий изланишлар ва мулоқотлар учун қулай инфратузулма ва платформани ташкил қилиш кабиларни ўзининг устувор вазифалари қилиб белгилаган.

Марказ куйидаги бешта йўналишда фаолият олиб боради:

- 1) тадқиқотлар ва илмий изланишлар;
- 2) кутубхона ва манбалар хизмати;
- 3) маданият соҳасидаги хизматлар;
- 4) музей ва қўлёзмалар;
- 5) тренинглар ташкил қилиш ва гуманитар фаолиятни ривожлантириш.

Тадқиқот марказининг илмий изланишларни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш хизмати энг катта ва аҳамиятли йўналишлардан биридир. Бу бўлим тадқиқот марказлари фаолиятига нисбатан қўйиладиган халқаро талабларга тўла мос бўлиб, у қиролликнинг стратегик ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқувчи лабаратория вазифасини бажаради. Тадқиқот марказида: хавфсизлик, замонавий сиёсий тафаккур, иқтисодий сиёсат, Африка тадқиқотлари, Осиё тадқиқотлари каби бешта йўналишда тадқиқотлар ташкил қилинган.

Марказ 40 йилга яқин вақт давомида фаолият олиб бораётган бўлса, унинг олдида ҳали ҳам бир қатор вазифалар бор. Хусусан, маданиятлараро мулоқат масаласи тушунчаси марказнинг дастурларида бор бўлса-да, бироқ у кўпроқ режаларда қолиб кетмоқда. Келажакда марказ бу тушунчани кенгроқ аудиторияга, хусусан, ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқчи.

– *Муҳаммад бин Рашид давлат бошқарув мактаби.* Муҳаммад бин Рашид давлат бошқаруви мактабига (Дубай давлат бошқарув академияси номи билан ҳам машҳур) Шайх Муҳаммад бин Рашид ал-Мактум ташаббуси билан 2005 йил асос солинган. Мазкур бошқарув мактаби (академияси) араб кўрфазида шу турдаги академияларнинг биринчиси бўлиб, у давлат бошқарувининг турли соҳалари учун мутахассисларни тайёрлайди, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тадқиқотлар олиб боради¹. Қисқа вақт ичида академия таркибидаги илмий марказлар сиёсат, хавфсизлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровонликка оид тадқиқотларни ташкил қилиши билан араб давлатларидаги тадқиқот марказлари орасида етакчиларидан бирига айланди.

Академиянинг тадқиқот марказларида давлат сиёсий ҳаётининг турли соҳалари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар илмий ўрганилади, шунингдек, шу йўналишдаги

¹ <https://www.mbrsg.ae/home/about-us/introduction.aspx>. عن الكلية

таълим ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Академия халқаро ва минтақавий конференциялар ҳамда семинарлар ташкил қилиш орқали Бирлашган Араб Амирликлари ва араб давлатлари ҳамда дунё миқёсида фикр, билим ва тажриба алмашиш имкониятини яратади¹.

Бошқарув академияси ўқитиш ва яна бир қатор хизматлар билан бирга илмий тадқиқотларни ташкил этиш, олиб бориш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кенг фаолиятни йўлга қўйган. Академияда инновацион ҳукумат, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув ва етакчилик, ижтимоий фаровонлик ҳамда барқарор ривожланиш сиёсатига оид ўнга яқин йўналишларда тадқиқотлар олиб борилади². Муассаса ўзининг сиёсат ва бошқарув соҳасида эришаётган натижалари ва илмий изланишлари хулосаларини ёритиб бориш учун *“Дубай сиёсати”* журналининг нашр қилади.

Фаолият юритаётганига қўп бўлмаган бўлса-да, мазкур академия ва унинг тадқиқот марказлари инновацион ривожланиш ва фаровон келажак яратиш йўлида катта лойиҳаларни амалга ошириб, Бирлашган Араб Амирликлари сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб эта бошлаган.

Хулоса қилиб айтганда, араб давлатларидаги тадқиқот марказларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш, стратегик концепцияларни ишлаб чиқишдаги иштроки давлатларнинг демократик индексларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тадқиқот марказларининг қарор қабул қилиш жараёнлардаги иштроки чекланган бўлиб, улар молиявий боғлиқлик туфайли давлат ва ҳукмрон сулолаларнинг сиёсий иродаларини ифодаловчи илмий муассаса даражасида қолиб кетмоқда.

Тадқиқот марказларининг араб давлатлари ташқи сиёсий фаолиятидаги иштроки. Таҳлилий марказлар фаолиятининг яна бир фаол йўналишларидан бири бу – ташқи сиёсат ва мудофаа тизимларининг комплекс таҳлил қилиб, хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Маълумки, Америка Қўшма Штатлари ўзининг ташқи сиёсий фаолиятига доир қарорлар қабул қилишда Brookings Institution, RAND Corporation сингари таҳлилий марказларнинг тавсияларини ҳисобга олади. Мамлакатдаги тадқиқот марказлари икки сиёсий партия ўртасида воситачи вазифасини бажарувчи учинчи йирик кучга айланиб улгурган³.

Араб давлатларида ҳам ташқи сиёсатга ихтисослашган бир қатор тадқиқот ва таҳлилий марказлар фаолият олиб боради. Улар орасида, халқаро ва минтақавий сиёсат хусусиятларини таҳлил қилувчи Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази ҳамда иқтисодий алоқаларни таҳлил қилувчи Абу Дабидаги Амирликлар стратегик тадқиқотлар маркази етакчи ҳисобланади. Шунингдек, Саудия Арабистонидаги Қирол Фейсал ислом тадқиқотлар марказининг халқаро масалалар бўйича бўлимлари, Йорданиядаги Яқин Шарқ тадқиқот маркази, Марокашдаги Қироллик стратегик тадқиқотлар институти, Мисрдаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Баҳрайндаги “Исо маданият маркази” ҳамда Кувайтдаги Кўрфаз ва Арабистон ярим ороли тадқиқот марказлари ҳам халқаро ва минтақавий жараёнлар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди, конференциялар, форумлар ва давра суҳбатлари ташкил қилиб, ўзаро фикр алмашади⁴.

11/09 воқеаларидан кейин кўрфаз ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг минтақада хавфсизликни таъминлаш борасидаги стратегияларида ўзгаришлар содир бўлди. Бу минтақадаги тадқиқот марказларининг фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Эндиликда тадқиқот марказлари хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги илмий изланишларни олиб бориш бўйича янги

¹ <https://dubaipolicyreview.ae/ar> راشد للإدارة الحكومية نبذة عن كلية محمد ب

² <https://www.mbrsg.ae/home/about-us/board-of-trustees.aspx>

³ <http://www.acrseg.org/40792> علاء إبراهيم رجب. دور المراكز البحثية الأمريكية في عملية صنع القرار السياسي: دراسة حالة "مؤسسة راند"

⁴ <https://www.maaal.com/archives/20180710/109682> د. نوف عبدالعزيز الغامدي. مراكز الدراسات الإستراتيجية واستشراف المستقبل

концепциялар ишлаб чиқди, мавзуга оид халқаро ва минтақавий семинар ҳамда конференциялар ташкил қилиб, халқаро терроризм феноменининг сабабларини қандай ташхислаш, жараёнларнинг сабаблари ва воситаларини аниқлашга катта эътибор қарата бошлади¹.

Минтақавий хавфсизликнинг янги концепцияларини ишлаб чиқишда тадқиқот марказлари Эрон, Яман, Ироқ каби кўрфаз иттифоқига аъзо эмас бироқ, кўрфаздаги хавфсизлик жараёнларига таъсир қилиши мумкин бўлган давлатлардаги тадқиқот марказлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. 11/09 дан кейин тадқиқот марказлари иттифоқининг хавфсизлик ва мудофаа стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича комплекс тадқиқотларни амалга ошириб ўз тавсияларини ишлаб чиқди. Тавсияларда минтақа ҳукуматларига хавфсизлик масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда қуйидагиларни инобатга олиш зарурлиги кўрсатилган. Кўрфаз иттифоқи фалсафасини тушуниш, кўрфазда ҳамкорликни фаоллаштириш, стратегик қарорлар қабул қилишда кўрфаз иттифоқи хавфсизлиги ва мудофаа масалаларини ҳисобга олиш, минтақада умумий хавфсизлик ва мудофаанинг ҳарбий доктринасини ишлаб чиқиш, хавфсизлик масаласида минтақавий ҳамда халқаро таъсирларни камайитишни амалга оширадиган доктринани яратиш, шунингдек, стратегик тўртликни, яъни (қуруқликдаги кучлар, денгиз, ҳаво, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими) бошқариш ишларини такомиллаштириш кабилар. Мазкур тавсияларни амалий сиёсий жараёнларга татбиқ қилишда Саудия Арабистонининг аҳамияти ва таъсири катта, колаверса, Саудия Арабистонининг минтақавий ва халқаро миқёсдаги ташқи сиёсий фаолияти мураккаб шароитларда олиб борилмоқда. Бу ўз ўрнида мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратишга доир илмий асосланган концепцияларга нисбатан эҳтиёжни ҳам вужудга келтиради. Катта эҳтиёжнинг бор эканлигига қарамасдан, қиролликда ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи марказларнинг сони кўп эмас². Қирол Фейсал ислом тадқиқотлар маркази узок йиллар давомида қироллик оиласининг ташқи алоқалар масалалари бўйича буюртмаларини бажариб келади. У 30 йилдан ортиқ вақт давомида Саудия Арабистонининг халқаро жараёнлардаги иштироки бўйича турли таҳлилий материаллар тайёрлаган. Марказнинг Эронни тадқиқ қилиш бўлими Саудия Арабистонининг Эрон билан муносабатларини ўрганиш, баҳолаш ва ҳулосалар бериш бўйича фаол, норасмий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Худди шунингдек, марказнинг Исроилга оид тадқиқотларни ташкил қилувчи бўлими ҳам Саудия-Исроил муносабатларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш нуктаи назаридан ўз аҳамиятига эга.

Қиролликнинг ташқи сиёсатига оид фаолиятини илмий ташкил қилиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш заруриятининг ортиб бориши натижасида 1983 йил Қирол Сауд ал-Фейсал дипломатия институти ташкил қилинган. Институтнинг тадқиқот маркази Саудиянинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ташкил қилишда фаол иштирок қилмоқда. Марказда Америка, Европа ва Осиё давлатлари тараққиёт хусусиятларини ўрганувчи алоҳида бўлимлар бўлиб, улар қиролликнинг бу давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини ўрганади. Жумладан, Саудия Арабистонининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларига доир таҳлилий материаллар ҳам мазкур институтнинг Осиё давлатларини ўрганиш бўлимида тайёрланади³.

¹ خليفة علاوي حسين. د. م. مراكز الدراسات واثرها في ادارة الاستراتيجية الاقليمية دراسة في برنامج الامن والدفاع للاتحاد الخليجي: جامعة النهرين. 2017 م.

² صالح بن محمد الخثلان. دور مراكز الأبحاث في السياسة الخارجية السعودية \\ <https://aawsat.com/home/article/1554371>

³ مركز الدراسات الآسيوية \\ <http://www.ids.gov.sa/ar/home/details>

Шимолий Африка араб давлатларида ҳам минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш масалаларига ихтисослашган тадқиқот марказлари фаолият олиб боради. Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази, Марокашдаги Қироллик стратегик тадқиқотлар институти, Тунисдаги Мағриб давлатларини ўрганиш маркази ва Судандаги Нил ҳавзаси давлатларини ўрганиш стратегик тадқиқотлар институти кабилар минтақадаги етакчилар сифатида тан олинади.

2005 йил Суданда “Судан тадқиқотлар маркази” ташкил қилиниб, у Суданнинг ташқи дунё билан ҳамкорлик алоқалари учун ахборот ва таҳлилий материаллар тайёрлашни бошлаган. Марказнинг асосий эътибори қўшни давлатлар билан ҳамкорликка оид масалаларга қаратилган. 2016 йилга келиб унинг номи “Нил ҳавзаси давлатларини ўрганиш стратегик тадқиқотлар институти” деб қайта номланиб, минтақавий тадқиқот маркази даражасига кўтарилди. Марказ ташаббуси билан Судан ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожлана бошлаган. Марказ Суданнинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш ва давлатда амалга ошираётган тинчлик сиёсатини минтақа ҳамда халқаро миқёсда намоёни қилиш мақсадида кўплаб илмий конференция ва форумлар ташкил қилиб келмоқда. Марказ фаолиятининг диққатга сазовор йўналишларидан бири – Миср-Судан муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган лойиҳаларидир.

Хусусан, Суданнинг ҳозирги тараққиёт босқичида Миср-Судан алоқалари минтақавий семинари (2011 й.), “Миср-Судан алоқалари: асрлар оша” халқаро семинари (2012 й.), Африка дипломатлари учун маҳорат мактаби қўшма семинар тренинги (2012 й.), “Нил ҳавзаси мамлакатларидаги сув ва энергетика интеграция ва ривожланиш имкониятлари” халқаро конференцияси (2014 й.) каби яна ўнлаб тадбирларда Миср-Судан алоқаларини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган¹.

Мазкур тадқиқот маркази Мисрдаги Ал-Аҳрам сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази билан фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда. Айтиш мумкинки, тадқиқот марказлари ҳамкорликда ўзаро алоқаларини ривожлантириш борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу марказларнинг ташаббуслари билан Миср ва Судан ҳукуматлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқмоқда.

Араб давлатларидаги тадқиқот марказлари Яқин Шарқ минтақасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик тизимини ишлаб чиқиш, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар бўйича стратегик концепцияларни яратиш йўлида ўз тадқиқотларини ташкил қилиб келмоқда. Марказлар ўз хулоса ва тавсиялари билан минтақада илмий асосланган, қулай хавфсиз ва истиқболли ҳамкорликка интилмоқда. Бу ҳудуддаги асосий масала давлат ва сиёсий элитанинг мазкур тавсия ва хулосаларини қанчалик инобатга олишида бўлиб қолган.

Хулоса. Ривожланган давлатларнинг тажрибасига кўра, тадқиқот марказларининг тавсиялари сиёсат, иқтисодиёт, муҳофаа ва хавфсизлик соҳаларига оид стратегик концепцияларни ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунё давлатларида тадқиқот марказларига нисбатан талаб ва эҳтиёж юқори бўлган ҳозирги даврда араб давлатларида ҳам тадқиқот марказларининг сони кўпайиб бормоқда. Бироқ, араб давлатларидаги фаол сиёсий жараёнлар ва улар жойлашган ареалдаги кескин инқирозли вазиятлар тадқиқот марказларининг сони ва сифатини янада яхшилашни талаб қилади.

¹ محمد عبد الراض محمود. دور المراكز البحثية في تنمية العلاقات المصرية السودانية
مركز دراسات حوض النيل نموذجاً



Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, демократик индекслари юқори бўлган араб давлатларида тадқиқот марказлари самарали фаолият олиб бориб, стратегик қарорлар қабул қилинишида ўз тавсиялари билан қатнашмоқда, демократик индекслари юқори бўлмаган араб давлатларида эса, улар сон жиҳатдан кўп бўлса-да, сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари юқори эмас. Бу давлатлардаги тадқиқот марказлари қарорлар қабул қилиш жараёнларида ҳукмрон доираларнинг манфаатлари доирасидан ташқарига чиқиб кета олмаяпти. Жумладан, иқтисодиёт, ички сиёсат, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги, ижтимоий тенглик ҳамда эътиқод эркинлиги каби масалалардаги тадқиқотлар давлат назорати ва босими остида ривожланмасдан қолмоқда.

Минтақадаги ташқи сиёсат, ўзаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик масалалари муҳокамасида марказларнинг нисбатан фаол эканлиги кўринади. Улар бу йўналишда ҳукуматнинг катта буюртмаларини қабул қилиб, комплекс тадқиқотлар ташкил қилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ, минтақадаги ҳозирги кескинлик ҳамда инқирозларнинг ортиб бораётганлиги улар фаолияти самарадорлигини юқори баҳолаш имкониятини бермайди.

